

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ
МИКРОХИРУРГИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

НАРЗУЛЛАЕВА ДИЛДОРА УКТАМОВНА

**АФАКИЯ ВА АРТИФАКИЯЛИ БОЛАЛАРДА АМЕТРОПИЯЛАРНИ
КОРРЕКЦИЯЛАШНИНГ КЛИНИК-ФУНКЦИОНАЛ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.08–Офтальмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Нарзуллаева Дилдора Уктамовна

Афакия ва артифакияли болаларда аметропияларни коррекциялашнинг
клиник-функционал хусусиятлари.....3

Нарзуллаева Дилдора Уктамовна

Клинико-функциональные особенности коррекции аметропий у детей с
афакией и артифакией.....19

Narzullaeva Dildora Uktamovna

Clinical and functional features of ametropia correction in children
with afakia and artifakia.....35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works39

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ
МИКРОХИРУРГИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

НАРЗУЛЛАЕВА ДИЛДОРА УКТАМОВНА

**АФАКИЯ ВА АРТИФАКИЯЛИ БОЛАЛАРДА АМЕТРОПИЯЛАРНИ
КОРРЕКЦИЯЛАШНИНГ КЛИНИК-ФУНКЦИОНАЛ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.08–Офтальмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Tib895 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.eyecenter.uz), «ZiyoNet» Ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz) ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги веб-саҳифаларида (www.uza.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Хамраева Лола Салимовна
тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар: Касимова Мунираҳон Садикжановна
тиббиёт фанлари доктори, профессор


Арестова Наталия Николаевна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги
«Н.И. Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университети» Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «28» сентябрь соат 19⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100173, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 14 уй. Тел.: (+99871) 217-49-34; 217-45-63; 217-32-28; факс: (+99871) 217-49-37; e-mail: eyecenter@inbox.ru).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (010-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100173, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 14 уй. Тел.: (+99871) 217-49-34; 217-45-63; 217-32-28.

Диссертация автореферати 2021 йил «11» сентябрь кuni тарқатилди.
(2021 йил «11» сентябрь даги 10 рақамли реестр баённомаси).



А.Ф. Юсупов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори



Ш. А. Джамалова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент



М.Х. Каримова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор



КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Туғма катаракта (ТК) болалардаги тикланувчи кўрликнинг энг кўп учрайдиган сабаби бўлиб ҳисобланади. Ҳар бир бола учун ТК экстракциясидан сўнг афакиянинг эрта, тўлиқ ва доимий коррекцияси муҳим ҳисобланади, яъни «...у кўзни натив гавҳари мавжуд бўлмаганда тўр пардадаги мос бўлган ретинал тасвирни таъминлайди ва шу йўл билан келажакда юқори кўриш фаолиятига эришишга имкон беради...»¹. Катарактани даволашда интраокуляр линза кучини (ИОЛ) ҳисоблаш ва танлаб олиш алоҳида аҳамиятга эга. ИОЛнинг синдирувчи кучини аниқ ҳисоблаш баҳсли масала бўлиб, у кўз олмасининг биометрик кўрсаткичларини ва рефракция ҳолатини қамраб олади. Болалардаги сунъий гавҳарнинг оптик кучини ҳисоблаш қийинчилик туғдиради, чунки кичик ёшли беморларда кўз олмасини ўсиши билан рефракция ўзгаради, бу эса режалаштирилаётган ИОЛни «дастурлаштириш» учун зарурдир. Болалар офтальмологиясига интраокуляр коррекцияни жорий этиш билан аметропиялар, анизометропиялар, бинокуляр кўришдаги бузилишлар билан боғлиқ бўлган масалалар пайдо бўлади, улар болани жамиятдаги мослашувчанлик жараёнларини қийинлаштиради ва шу билан тиббий муаммони ижтимоий майдонга олиб чиқади. Шу сабабли афакия ва артифакияли болаларда аетропияларни коррекциялашни жарроҳлик йўли билан даволашни такомиллаштириш, офталможарроҳликнинг энг муҳим муаммоли масалаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда афакия ва артифакияли болаларда аетропияларни коррекциялашнинг клиник-функционал хусусиятларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Афакия ва интраокуляр линзалар имплантацияси бўлган туғма катаракталарнинг экстракциясидан олдин ва ундан сўнг болаларда кўзнинг клиник-функционал, псевдофакик ва мақсадли рефракцияга эришган болалар кўз олмаси ва улар оналари орасидаги оптик-эхобиометрик корреляцияни аниқлаш, ҳамда туғма катарактали анормал рефрактогенези ривожланиши хавф гуруҳига кирувчи болаларда мақсадли рефракцияга эришишда, SRK II формуласига кирувчи тўғирловчи коэффицентини ишлаб чиқиш ва киритиш чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш ва касалликни олдини олишга қаратилган даволаш тизимини яратиш, самарали жарроҳлик усулини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини сифат жиҳатдан яхшилаш, жумладан, турли даражадаги кўз касалликлари натижасида юзага келадиган кўриш фаолиятининг пасайишини ташҳислаш, даволаш ва жарроҳлик амалиёти асоратларининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги

¹ Катаргина Л.А. Болалар офтальмологияси. Федерал клиник кўрсатмалар. Москва. SENTISS. 2016.

босқичга кўтаришда «...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, тез ва шошилиш тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, ногиронликнинг олдини олиш...»² каби вазифалар белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда, афакия ва артификалия болаларда аметропияларни коррекциялашнинг клиник-функционал хусусиятларини ривожланишининг эрта босқичида ташхислаш шунингдек, жарроҳлик амалиётини кенг қўллаш орқали самардорлигини ошириш долзарб илмий йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бутун жаҳонда ТК жарроҳлигини такомиллаштириш натижасида, болалар катарактасининг экстракцияси янада ҳавфсиз бўлиб, касаллик натижасини олдиндан билиш имкони бўлди. Жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратларни рандомизирланган клиник тадқиқотлари афакиядагига нисбатан артификакияда болаларнинг визуал реабилитациясининг юқори самардорлигини кўрсатади. ТКни даволаш технологиясидаги жадаллашув артификалия болаларда обскурацион амблиопия ва рефрактогенез ҳолатига таалуқли бўлган янги саволларни юзага келишига олиб келди. Кўрсатилган масалалар орасида қуйидагилар энг аҳамиятли бўлиб ҳисобланади: оптик тизимнинг синдириш кучи ҳолати ва динамикаси, кўриш анализатори шаклланиш даврида кўзнинг ўсиши мобайнида мақсадли рефракцияни ҳисоблашдан иборат. Vasavada A.R. ва Raj S.M. (2004) берган маълумотлар бўйича, кўз ўқи узунлигининг ўсиш тезлиги икки томонлама артификалиялар билан солиштириш бўйича бир томонлама ҳолатларда янада юқори бўлади ва катталарга нисбатан болаларда ўзгарувчандир. Кўплаб муаллифларнинг тадқиқотлари болалардаги артификакияда кучли рефракциянинг устунлигидан, яъни миопизациядан гувоҳлик беради. (Катаргина Л.А. Круглова Т.Б. Егиян Н.С. (2015), Катаргина Л.А., Круглова Т.Б., Трифонова О.Б., Егиян Н.С., Коголева

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Л.В., Арестова Н.Н. (2019), Einighammer J, Oltrup T, Bendi T, Jean B. Calculating intraocular lens geometry by real ray tracing. (2007), Weakley D, Cotsonis G, Wilson ME, et al. (2017)).

Бутун жаҳонда сўнгги ўн йилликда болалардаги миопиянинг ортиши, шунингдек ТК экстракцияси ва ИОЛ имплантациясидан сўнг рефракцион аномалияни ривожланишида муҳим рол ўйнайди. Болаларда фақат кўзлар билан таққослаганда, псевдофақик кўзлардаги рефракциянинг миопик силжиш сони ортиши, болаларда сунъий гавҳарга алмаштириш бўйича чуқур текшириш учун кўрсатма бўлиши мумкин. Бир қатор муаллифлар тахмин қиладиларки, ўлчами узун кўзли болаларда ИОЛ имплантацияси ва ТК экстракциясидан сўнг рефракцион хатоликка таъсир этувчи асосий омил бўлиб, шох пардани синдирувчи кучи ва кўз олмасининг олд-орқа ўқи (ООЎ) кўрсаткичлари ҳисобланади. Мақсадли рефракцияга эришиш кўз олмасини ООЎ динамикасига ва ўлчамларига боғлиқ. Экстракциядан кейин кўз ўсишининг ноаниқ натижалари ва ИОЛ кучини ҳисоблашда ягона ёндашувлар бўлмаганлиги сабабли, псевдофақияда рефрактогенезни тахмин қилиш жуда қийин, бу баъзи ҳолларда рефракцион хатоларга олиб келади. (Sachdeva V. (2017), Sminia M.L.(2010), Thouvenin D., Lequeux L., Norbert O.(2014), Viejo I.G. (2014)).

Бизнинг мамлакатимизда ушбу йуналиш бўйича қатор тадқиқотлар ўтказилган. Камилов Х.М., Зокирходжаев Р.А. (2014) ларнинг ишларида муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган «Амблиовидеомаг» мосламасини қўллаш билан катаракталар экстракциясидан сўнг обскурацион амблиопияни даволаш натижалари келтирилган, бунда амблиопия даражасини сезиларли камайиши қайд этилган.

Бугунга келиб болаларга ИОЛ имплантациясининг энг жиддий муаммоларидан бири бўлиб ўсаётган бола кўзида ривожланмаган рефрактогенезда линзаларнинг оптик кучини танлаш муррақаблиги ҳисобланади. Ёши катта беморлар учун ИОЛ кучини ҳисоблаш учун жуда кўп формулалар мавжудлигига қарамасдан, уларнинг қайси бири болаларда мос келиши маълум эмас, аномал рефрактогенез ривожланиш хавфи остида бўлган болаларда мақсадли рефракцияга эришиш башорат қилиш ҳақида маълумотлар мавжуд эмас. Юқорида санаб ўтилган масалаларга жавоб излаш болалар офтальмологиясида долзарб муаммолар бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №001228 «Болаларда туғма ва орттирилган кўз касалликлари диагностикаси ва даволашни такомиллаштириш» (2018-2022 йй.) мавзуси бўйича бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Оптик коррекция танловига қиёсий ёндашиш йўли билан афақия ва артифақияли болаларда кўриш фаолиятини яхшилашга қаратилган даволаш тизимини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

афакияда ва интраокуляр линзалар имплантацияси бўлган туғма катаракталарни экстракциясидан олдин ва кейин болаларда кўзнинг клиник-функционал, эхобиометрик кўрсаткичларнинг ўзига хосликларини баҳолаш;

мақсадли рефракцияли, псевдофакик миопияли болалар ва уларнинг оналарида кўзларнинг клиник-функционал ўзига хосликларини баҳолаш;

псевдофакик миопияни ривожланиш хавф гуруҳига болаларни киритиш учун псевдофакик миопияни ривожланиш (шу қаторда ёшга мос келмайдиган эмметропия) имкониятини кўрсатувчи мезонларни аниқлаш ;

аномал рефрактогенезни хавф гуруҳидан туғма катарактали болаларда мақсадли рефракцияга эришиш учун тўғриловчи коэффициент ИОЛ SRK II кучини ҳисоблаш формуласига киритиш;

тўғриловчи коэффициентнинг клиник самадорлигини баҳолаш;

псевдофакик миопия, шу жумладан ёшга мос келмайдиган эмметропия ривожланиши хавфи мавжуд бўлган туғма катарактали болаларни бошқариш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг клиникасида 2014-2020 йиллар давомида кўз бўлимида даволанишда бўлган бир ёшдан 14 ёшгача бўлган катарактанинг экстракапсуляр экстракциясидан олдин ва кейин 105 нафар болалар (174 кўз) олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида афакия ва артифакияли болаларда аметропияларни коррекциялашда туғма катарактали беморларни кўз олмасининг олд-орқа ўлчамлари, шох парданинг синдириш кучи, интраокуляр линзанинг ҳисоблаш кучи, оналарнинг оптик, эхобиометрик параметрлари материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари: Тадқиқотда визиометрия, тонометрия, тонография биомикроскопия, офтальмоскопия, ультратовуш, пахиметрия, чизиқли апроксимацияси, регрессион логистик модели ҳамда статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

туғма катарактали болаларда псевдофакик миопия ва ёшига мос бўлмаган эметропияни ривожланишини регрессион логистик модел асосида муҳим хавф омиллари аниқланган;

илк бор псевдофакик миопия ва ёшига мос бўлмаган эметропияни ривожланиш хавфи бўлган туғма катарактали болаларда SRK II формуласи учун мослаштирувчи R_m коэффициенти ишлаб чиқилган ва клиник самарадорлиги исботланган;

илк бор артифакияли болалар ва уларнинг оналарида кўз оптик эхобиометрик параметрлари ўртасида корреляцион боғлиқлик ва оналар гавхари оптик кўрсаткичини "мўлжал" сифатида мақсадли рефракцияга эришишда фойдаланиш мумкинлиги аниқланган.

SRKII формуласи ва ёшга боғлиқ гипокоррекцияси псевдофакик миопия, ёшига мос бўлмаган эметропияни ривожланиш хавфида бўлган болаларда ноадаптивлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

туғма катарактали болаларда псевдофакик миопия ва ёшга мос бўлмаган эметропиянинг ривожланишини муҳим хавф омилларига боғлиқлиги таҳлил қилинган ва ишончли натижалар олинган;

туғма катарактали болаларда сунъий гавҳар кучини индивидуал ҳисоблаш тартиби ишлаб чиқилган;

артифакияли болаларни юритишга ишлаб чиқилган қиёсий ёндашув, режадагига нисбатан амалий рефракция силжишлари бўлган болалар сонининг камайиши асосланган.

Тадқиқот натажаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ишларида замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, умумклиник ва статистик тадқиқот натижаларнинг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, натижа олинган хулосаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти псевдофакик миопияга мойилликка боғлиқ ҳолда, болаларга имплантация қилинадиган интраокуляр линзанинг оптик кучини танлаб олишга, интраокуляр линза кучини ҳисоблашнинг янги усули, псевдофакик миопия даражасини, шунингдек, мақсадли рефракциядан силжишлари бўлган болалар сонини камайтириш орқали индивидуал ёндашув зарурати туғилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти артифакияли болаларни олиб бориш ва сунъий гавҳарнинг оптик кучини ҳисоблашда қиёсий ёндашувни жорий этиш туғма катарактали беморларда кўрлик ҳолатининг олдини олиш ва камайтиришга сезиларли таъсир кўрсатганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Афакия ва артифакияли болаларда аметропияларни коррекциялашнинг клиник-функционал хусусиятлари баҳолаш бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида:

миопия ривожланиш хавфида артифакияли болаларни юритиш бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Миопия ривожланиш хавфида артифакияли болаларни юритишга қиёсий ёндашув» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 12 августдаги 8н-д/108-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома афакия ва артифакияли болаларда аметропияларни коррекциялашнинг клиник-функционал хусусиятлари баҳолаш натижасида касалликни эрта ташхислаш, самарали даволаш ва олдини олиш орқали беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилган;

туғма катарактали болаларда сунъий гавҳар кучини ҳисоблаш бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Туғма катарактали болаларда сунъий гавҳар кучини ҳисоблашга қиёсий ёндашув» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 12 августдаги 8н-д/108-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома

болаларда миопия даражасини камайтиришда ва 83,3% мақсадли рефракцияга эришишга хизмат қилган;

афакия ва артификалия болаларда аметропияларни коррекциялашнинг клиник-функционал хусусиятлари баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан болалар биринчи шахар клиник шифохонаси ва Самарқанд давлат тиббиёт институтининг биринчи шифохонаси амалиётларига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 9 августдаги 08-07/9896 сон маълумотнамаси). Олинган тадқиқот натижаларининг клиник амалиётга жорий қилиниши афакия ва артификалия болаларда аметропияларни коррекциялашнинг клиник-функционал хусусиятлари такомиллаштириш орқали беморларда коррекцияланмадиган амблиопия, юқори даражали анизометропия, сунъий гавхар имплантациясидан сўнг миопия сонини камайтиришга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертациянинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 105 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Туғма катарактали болаларда кўзнинг клиник ва функционал ҳолати, афакияни коррекция қилиш ва туғма катарактани даволашни замонавий талқини**» деб номланган биринчи боби маҳаллий ва хорижий адабиётлар таҳлилига бағишланган, у туғма катарактани экстракциясидан сўнг энг юқори даражали ва сифатли кўришга эришишни интраокуляр коррекция қилиш йўли билан амалга ошириш мумкинлигини кўрсатади, у тўр пардада мос бўлган ретинал тасвирни таъминлайди. Энг

муҳим вазиятлардан бири бўлиб, кўриш анализаторини шаклланиш даврида кўзларни ўсиши давом этаётган ҳолатда мақсадли рефракцияни ҳисоблаш бўлиб қолмоқда. Юқорида санаб ўтилган болалардаги артификалик кўзларнинг мақсадли рефракциясига эришишга жуда кўп омиллар мажмуаси таъсир этади. Ҳозирги кунда адабиётларда ИОЛ имплантациясидан сўнг мақсадли рефракцияга эришишда хавф омилларнинг таъсири, сунъий гавхар кучини ҳисоблашда мавжуд бўлган формулаларни мутаносиблиги ва ёшга боғлиқ гипокоррекция ҳамда анормал рефрактогенез хавф гуруҳига кирувчи болларда колдик рефракция қиймати масалалари ҳам очик қолмоқда.

Диссертациянинг «**Туғма катарактали болаларда кўзнинг клиник ва функционал ҳолати, афакияни коррекция қилиш ва туғма катарактани даволаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасининг офтальмология бўлимидаги 105 болани (174 та кўз) текшириш натижалари келтирилган. Ишда катамнестик ва архив материаллари, жорий текшириш натижаларини таҳлил қилишда олинган маълумотлар умумлаштирилган. Текшириш учун танлаб олинган ТКли болаларни 59 нафар ўғил болалар (56,2%) ва 46 нафарини қиз болалар (43,8 %) ташкил этди. Улардан икки томонлама ТК (ИТТК) ли болалар 69 нафар беморларни (138 кўз) ва бир томонлама ТК (БТТК) - 36 нафар беморлар (36 кўз) бўлди. Ҳар бир бола шикоятларни тўплаш, касаллик тарихи, ҳаёт тарихи, бола ва онанинг соматик ва офтальмологик ҳолатини баҳолашни ўз ичига олган батафсил клиник текширувдан ўтказилди. Шунингдек қуйидаги лаборатор ва асбоб ускуналардан фойдаланилди: қоннинг умумий ва биокимёвий таҳлили, қонда глюкоза, Са ++ ни аниқлаш, сийдик, нажасни умумий таҳлили, ОИВ инфицирланишига антителоларни аниқлаш, "В" ва "С" гепатитларни аниқлаш, ЭКГ, ЭЭГ ва ёндош мутахассисларнинг маслаҳатлари (ЛОР, педиатр, невролог, кардиоревматолог, анестезиолог, онкоофтальмолог) .

Барча беморлар визометрия, кераторефрактометрия, тонометрия, тонография, ультратовушли АВ сканерлаш, биомикроскопия, пахиметрия каби офтальмологик текширувлардан ўтдилар.

Кўриш ўткирлиги 3 ёшга тўлмаган болаларда синов коптокчалар ёрдамида, 3 ёшдан катта бўлган болаларда кўриш ўткирлиги стандарт усул бўйича Орлова оптотиби ва TomeyTCP-2002 (АҚШ)проектори ёрдамида аниқланди.

Биомикроскопик текширувлар стандарт усул бўйича Tomey TSL-7000Z (АҚШ) ёриқли лампалар ёрдамида ўтказилди.

Рефрактометрияни Tomey RC-800 (АҚШ) кератометри ёрдамида ва циклоплегия фонида скиаскопия усулида аниқланди.

Кератометрияни Tomey RC-800 (АҚШ) авторефрактометрда ўтказилди (АҚШ). Шоҳ пардани синдириш кучи ва эгрилик радиуси аниқланди. Эҳобиоетрик тадқиқотлар А/В scan STRONG 600АВ асбобида ўтказилди.

Кўз олмасининг ООЎ параметрларини баҳолаш М.Д. Агатов жадвали бўйича ёш меъёрлари билан таққослаб ўтказилди.

Тонометрияни (P_{10}) стандарт усул бўйича Маклаковнинг 10,0 гр оғирликдаги юклари билан бажарилди.

Тонография Фриденвальд нормограммасини қўллаш билан М.К. Камилов, Р.Н. Алиеваларнинг содалаштирилган усули бўйича бажарилди. Кўз фиброз капсуласи (КФК) таранглиги Лаплас формуласи бўйича аниқланди : $P=P_0 \cdot L / 4 \cdot D$,

Шоҳ парда қалинлиги «Compact touch» (Quantel Medical, Франция) кератопахиметр асбоби ёрдамида ўлчанди.

Офтальмоскопияни қўл ёрдамида бошқариладиган «Heine-700» (Германия) офтальмоскопи орқали бажарилди.

ИОЛ кучини аниқлаш учун ёшга боғлиқ бўлган гипокорреляцияли SRKII формуладан фойдаланилди (2006).

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашда «Statistica for Windows 7,0» персонал компьютерининг амалий дастур пакетидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилди.

Диссертациянинг «**Гавҳар экстракциясидан олдин ва кейин туғма катарактали болалар кўзининг клиник-функционал параметрлари**» деб номланган учинчи бобида 3 йиллик катамнестик текшириш маълумотлари бўйича туғма катарактанинг экстракциясидан олдин ва кейин болалар кўзининг клиник-функционал ва эхобиометрик натижалари келтирилган. Кўзнинг оптик тизими синдрувчи кучини объектив баҳолаш учун катаракталарни экстракциясидан сўнг, 3 ойдан кейин ва жарроҳлик амалиётидан сўнг узок муддатлар 1 ва 3 йилдан кейин циклоплегия остида рефрактометрия ўтказилди. Барча беморлар ИОЛ имплантацияси вақтида ёшига мос ҳолда 3 гуруҳга ажратилди (Н.П. Гундобин, 1906. А.Ф. Тур, 2019)

I гуруҳ 1 ёшдан 3,9 ёшгача (45 нафар бола)

II гуруҳ 4 ёшдан 7,9 ёшгача (35 нафар бола)

III гуруҳ 8 ёшдан 14 ёшгача (25 нафар бола)


ИОЛ имплантацияли катаракта экстракциясидан сўнг 3 ой ўтиб болалардаги рефракция кўрсаткичлари қуйидагича бўлди: мақсадли рефракцияга 60,5% ҳолатда эришилди, 39,4% ҳолатда эса мақсадсиз рефракцияга эришилди. Мақсадсиз рефракция ўз ичига 11,2% ҳолатда миопияни, 19,8% ҳолатда ёшга мос келмайдиган эмметропияни, 8,5% ҳолатларда ёшга боғлиқ бўлган меъёрдан ортиқ бўлган гиперметропияни мос ҳолда камраб олди. Имплантациядан сўнг 1 йил ўтиб, беморлар текширилганда, 47% ҳолатда мақсадсиз рефраксияни (миопия, ёшга мос келмайдиган эмметропия, ёшга мос келмайдиган гиперметропия) ва мос ҳолда 53% ҳолатда мақсадли рефракцияни кўрсатди. Барча ёш гуруҳларида 36 соатдан сўнг 12,4% ҳолатларда (эмметропия ва ёшга боғлиқ бўлган гиперметропия) мақсадли рефракция қайд этилди. Мақсадли рефракциядан силжишлар 36 ойдан сўнг эса 87,6% ҳолатларда қайд этилди, рефракцияни кучайиши кузатиш муддатларини узайиши билан ортиб бориш ҳолати асосан 1 ёшдан 3 ёшгача бўлган ИОЛ имплантациясини бошидан ўтказган болаларда қайд этилди. Кўзнинг сагиттал ўқининг ўсиши физиологик турғунлиги билан бирга унинг рефракцияни кучайиши 87,6% да бўлиши ёш гипокоррекцияси билан SRK II

формуласининг ноадаптивлигини кўрсатди.

Юқорида баён этилганларни ҳисобга олиб бизлар томонимиздан мақсадли рефракцияга боғлиқ ҳолдаги силжишларни аниқлаш билан болаларнинг клиник-офтальмологик текшириш натижаларининг таҳлили ўтказилди ва артифакияда аномал рефрактогенезни ривожланишини кўрсатди.

Қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун беморлар асосий ва назорат гуруҳига ажратилди. I асосий гуруҳга аниқланган кучли миопик ва ёшга мос бўлмаган эмметропик рефракцияли 34 нафар болалар (55 кўз) киритилди. II назорат гуруҳига мақсадли рефракцияли 25 нафар бемор болалар (36 кўз) киритилди. Артифакияда миопияни (псевдофакик миопия) ривожланишини юзага олиб келувчи омилларни аниқлаш учун бизлар томонимиздан анамнез, офтальмологик, эхобиоетрик, клиник-лаборатор тадқиқот натижалари асосий ва назорат гуруҳлар маълумотлари таҳлили ўтказилди. Бизлар томонимиздан қуйидаги клиник белгилар ўрганилди: ИОЛни ҳисоблашдаги техник хатолик, болаларда сурункали соматик касалликларни мавжудлиги, оналарда ҳомиладорлик ва туғруқни асоратли кечишини мавжудлиги, оилада фарзандлар сони, артериал босим кўрсаткичлари, юрак зарбаси ва нафас сони. Учраш сони 20%дан кўп бўлган белгилар статистик қайта ишланди. Бунда маълумотлар тўртта тўлиқ жадвалларни бириктиришни (асосий ва назорат гуруҳида фоиз улушини қиёслаш) қўллаш билан математик таҳлил қилинди, псевдофакик миопияни ривожланишида юзага келиши мумкин бўлган омиллар таъсирига боғлиқ ҳолда яқунлар фарқининг аҳамиятлилигини баҳолаш ўтказилди.

Янада ишончли маълумотларни олиш учун регрессион логистик модел ва унинг ROC-эгри чизиғи тузилди (1-расмга қаранг).



1 расм. Псевдофакик миопия ҳавф омилларининг регрессия логистик моделининг ROC эгри чизиғи.

ROC-таҳлили шуни кўрсатдики, ИОЛ имплантацияси вақтида кўз олмасининг ООЎ қийматлари каби омиллар ёш меъёридан 0,2 мм дан юқори бўлган; биринчи ҳомиладорликдан туғилган бола; $AL / CR \geq 3.0$ нисбатда;

иккинчи кўз миопияси; 4 дптрдан ортиқ ғилайлик; оғирлаштирувчи ирсий холат; КФКсини зўриқиши: $P \leq 180$ мм симоб устуни; беморнинг ота-онасини қариндошлик никоҳи; кун давомида болани тоза ҳавода 1 соатдан кам вақт бўлиши; қондаги Са даражасини 1,8 м/моль дан кам бўлиши псевдофакик миопияни ривожланиш ҳавфини оширади. Ўтказилган статистик таҳлил псевдофакик миопияни ривожланишида санаб ўтилган 11та аҳамиятли омилларини тасдиқладик.

Бизлар болалар ҳавф гуруҳига киритиш билан псевдофакик миопияни ривожланишини башоратлаш учун юқорида санаб ўтилган аҳамиятли ҳамда заиф алокали омиллардан фойдаландик.

Псевдофакик миопияли, мақсадсиз рефракцияли болалар ва уларнинг оналарида ИОЛнинг кучи ва эхобиометрик, кератометрик кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни корреляцион таҳлили ўтказилди. Жами 25 ёшдан 38 ёшгача бўлган 30 нафар оналари (60 та кўз) кузатилди.

Мақсадли рефракцияли болалар ва улар оналар ўртасида ИОЛ оптик кучлари ўртасида юқори тўғри алоқа қайд этилди, бу болани балоғат ёшида бир хил (она) куч булиш мумкин. Оналар гавҳари оптик кўрсаткичини "мўлжал" сифатида артификацияли болаларда мақсадли рефракцияга эришишда фойдаланиш мумкин.

Она ва мақсадсиз рефракцияли болаларда ИОЛ кучлари ўртасида корреляцион алоқанинг мавжуд эмаслиги, аномал рефрактогенезли ҳавф бўлган болалар учун SRKII анъанавий формуласини мослашмаганлигидан гувоҳлик беради.

Диссертациянинг «**Аномал рефрактогенез ҳавф гуруҳидан туғма катарактали болаларда интраокуляр линзаларни шахсийлаштирилган ҳисоблашни кўллаш**» деб номланган тўртинчи бобида интраокуляр линзаларни оптик кучини шахсийлаштирилган ҳисоблашдаги формулага киритилган тўғирловчи коэффициенти аниқлаштирилган.

ИОЛ кучини аниқлаш учун SRKII формуладан ва ёшга боғлиқ бўлган гипокоррекциядан фойдаланилди, у қуйидаги кўринишга эга:

$$R = [(A - 2,5 \times L - 0,9 \times K) - R]$$

P – ИОЛнинг оптическая кучи (дптр)

A – ишлаб чиқарувчи ИОЛ константаси

L - кўз олмасининг ООЎлари (мм), ҳар бир бола учун индивидуал ўлчанади

K- шох пардани оптик синдириш кучи, ҳар бир бола учун индивидуал ўлчанади

R – ёшга боғлиқ қолдиқ рефракция (дптр) (Trivedi RH, Wilson ME, et al)

Бизлар томонимиздан Rm тўғирловчи коэффициенти аниқланди, у SRKII формуласига киритилди.

Тўғирловчи коэффициент киритилган SRKII формуласи куйидаги кўринишни олди: $R = [(A - 2,5 \times L - 0,9 \times K) - P] - R_m$

Тўғирловчи коэффициентини ҳисоблаб чиқиб усули.

R_m - тўғирловчи коэффициентини (дптр), 1 формула билан аниқланади .

$$R_m = OO\check{U}_p \times 0,82 \text{ (Формула №1)}$$

бу ерда $OO\check{U}_p$ - кўз олмасини физиологик ўсиши тугаш вақтида (15 ёш) бола кўзининг $OO\check{U}$, ўртача статистик физиологик ўсиш кўрсаткичи Агатова М.Д. маълумотлари асосида тузилгандир.

0,82 - (диоптерлар / мм) – доимий

0,82-константаси аномал рефрактогенезли 1 ёшдан 5 ёшгача бўлган (ИОЛ имплантацияси вақтида) артификали болалар кўзи $OO\check{U}$ ўсиши ва рефракция динамикасини корреляцион таҳлилини бизлар томонимиздан ўтказилиши натижасида ҳисобланди. ИОЛ имплантацияли ТК экстракциясидан сўнг 36 ой ўтиб болалар кўзи $OO\check{U}$ кўрсаткичларини, рефракциясини фарқлари ва динамикаси, экспериментал маълумотларни чизиқли аппроксимациясини қўллаш билан статистик қайта ишланди. Бунда куйидагилар аниқланди: кўз $OO\check{U}$ мини 1мм га ортишида артификак миопияни ривожланиш ҳавфи билан болалар кўзидаги артификак рефракцияни кучайиш (миопизация) катталиги 3,0 дптрга мос келмайди, у фақат кўз учун одатий бўлиб ҳисобланади, ўртача 0,82 дптрни ташкил этади.

SRK II формуласининг R_m -тўғирловчи коэффициентини билан клиник самарадорлиги

1 ёшдан 5 ёшгача бўлган артификак миопия ривожланиш ҳавфи булган 24 болада (43 кўз) текширишлар ўтказилди. Барча беморлар икки гуруҳга ажратилди. Биринчи (асосий) гуруҳга 11 нафар (21 та кўз) беморлар киритилган бўлиб, ИОЛ кучини ҳисоблаш тавсия этилган SRK II билан R_m -тўғирловчи коэффициентини формула бўйича ўтказилди. Иккинчи (назорат) гуруҳга 13 (22 та кўз) нафар беморлар киритилган бўлиб, уларда ИОЛ кучини ҳисоблаш анъанавий формула бўйича ўтказилди. Назорат гуруҳида ИОЛнинг оптик кучини R_m -тўғирловчи коэффициентсиз анъанавий SRK II формуласи бўйича ҳисобланди.

ИОЛ имплантацияси билан ТК экстракциясидан сўнг 12 ой ўтиб, болаларда ўтказилган рефракция кўрсаткичларини таҳлили режалаштирилгандан асосий гуруҳдаги мақсадли рефракцияни 16,6%га, назорат гуруҳида 54,5% ҳолатларда силжишларни аниқлашга имкон беради. Назорат гуруҳида мос ҳолда 13,6% енгил даражали миопия ва 40,9% ҳолатларда ёшга мос бўлмаган эмметропия (рефракциянинг кучайиши) қайд этилди. Мақсадли рефракцияга асосий гуруҳда 83,3%, назорат гуруҳида эса

45,4% ҳолатларда эришилди. Асосий гуруҳда кўриш функцияси ўртача $0,5 \pm 0,001$ га етди, назорат гуруҳидаги кўриш ўткирлиги эса $0,2 \pm 0,001$ га кўтарилди ($p \leq 0,05$).

SRK II формуласига ишлаб чиқилган Rm тўғирловчи коэффициент миопия ривожланиш хавфи бўлган болаларда ИОЛ кучини ҳисоблашда мақсадли рефракцияга 83,3% ҳолатда эришилди (назорат гуруҳидаги 45,4% ҳолатга қарши) ва псевдофакик миопия ривожланиши хавф гуруҳига кирувчи болаларда оптик кучини танлашда дифференциал ёндашишга имкон беради.

Афакияда болаларда кўриш функциялари ва рефракция кўрсаткичлари ўрганилди. Афакияли 10 нафар бола (14 кўз) да таҳлиллар ўрнатилди. 4-5 ёшли бемор болаларда ТКни экстракапсуляр экстракцияси ўтказилди. Болалар офтальмологияси бўйича Миллий баённомаларда ушбу гуруҳдаги болаларга клиник тавсияларга мос ҳолда, уларда интраокуляр коррекционий ўтказишга қарши кўрсатмалар мавжудлиги сабабли ИОЛ имплантацияси ўтказилмади.

М.Д. Агатов бўйича (19) ёш меъёрларини ҳисобга олиш билан кўз олмасининг ООЎ параметрлари бўйича беморлар 3 гуруҳга ажратилди. I гуруҳга 4 нафар бола, «қисқа» кўзли 4 кўз (ООЎ диапазони 19,22 дан 20,73мм, ўртача 20,56мм, бу ёшга боғлиқ бўлган меъёрдан 1,64 мм ортда қолади) киритилди. II гуруҳга учта нафар бола, «меъёрдаги» 4 та кўз (ООЎ =21,8 мм) киритилди. III гуруҳга 6 «узун» кўзли 3 нафар бола (ООЎ 22,7 дан 29,16 мм гача, ўртача 25,9 мм, ушбу кўрсаткич ёшга боғлиқ бўлган меъёрдан 3,7 ммга ошди) киритилди.

Динамика таҳлили кўрсатдики: биринчи гуруҳдаги «қисқа» кўзлар 3 йил ичида 0,14 мм га ўсди ва ўртача ўсиш суръати йилига 0,38 ммни ташкил этди. Иккинчи гуруҳдаги «меъерий» кўзлар йилига 0,37 мм тезликда 0,11 мм га ўсди. 3-гуруҳдаги «узун» кўзлар йилига 0,32 мм тезликда 0,97 мм га кўпайган.

Қиёсий таҳлиллар натижасида аниқландики, 3 йил давомида кўз олмасини ўртача ўсиш тезлиги «қисқа» кўзли гуруҳда сезиларсиз даражада ортиши билан амалий жиҳатдан бир хилда бўлди. Кўз олмасининг сагитал ўқи ўсишини физиологик тезлиги билан солиштирилганда, кўрсатилган давр мобайнида барча афакик кўзлар натив гавҳарли кўзларга нисбатан тезроқ ўсиши аниқланди. Бунда эхобиометрик кўрсаткичларининг таҳлили натижасида ТК экстракциясидан 3 йилдан сўнг (назорат вақтида болаларнинг ёши 7-8 ёшни ташкил этди) кўз ООЎнинг ёш меъёрларидан I гуруҳда 1,1мм га кам, II гуруҳда ёш меъёрларига муофиқлиги ва III гуруҳда 4,07 мм га ёш меъёрларидан ошган. Афакик «қисқа» кўзлар юқори ўсиш тезлигига қарамадан 4-5 ёшдан 7-8 ёшгача кўз ўлчамининг ёш меъёрларига етиб келмади.

ТК экстракциясидан сўнг афакияда 3 йил ичида рефракционий 1-3 дптр га турғун кучайиши намоён бўлди. Барча афакияли болаларга кўзойнакли коррекция, рефракция ҳолати ва кўриш ўткирлигини динамик кўзатиш буюрилган. Шу билан бирга, боланинг ёши ва ота-онанинг тартибсизлиги

сабабли 90% да кўзойнак коррекцияси, операция қилинган кўз ишлатилиши, соғлом кўзлар окклюзияси, тизимли равишда ўтказилмаган. Бунда 30% ҳолатдаги кўриш фаолиятининг пастлиги ДЗН гипоплазиясини мавжудлиги билан тушунтирилади. Кўзойнакли ва контакт коррекция талабларини бажарган 10% болаларда 0,4 гача коррекцияли кўриш функцияларини ортиши қайд этилди. Афакияли болаларда рефракция кучайиши кўз олмасининг физиологик ўсиши, кўриш функциясини пастлиги эса ёндош кўз патологияси ҳамда обскурацион амблиопия ривожланиш ҳисобида кечади. Олинган натижаларга асосланиб ТК болаларда псевдофакик миопия ривожланиш хавф гуруҳига кирувчи болаларни бошқариш алгоритми ишлаб чиқилган.

ХУЛОСАЛАР

«Афакия ва артифакияли болаларда аметропияларни коррекциялашнинг клиник-функционал хусусиятлари» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Туғма катарактани экстракциясидан кейин болалардаги 3 йиллик катамнестик кузатувлар натижаси: 1 ёшдан 3 ёшгача бўлган ИОЛ имплантациясини бошидан ўтказган артифакияли болаларда 87,6% ҳолатларда рефракцияни кучайиши ва уни афакияда барқарор кучайиши кўрсатилди. "Қиска" афакик кўзларда кўзнинг ООЎнинг юқори ўсиш тенденцияси қайд этилган.

2. Мақсадли рефракцияга эришган болалар ва улар оналар гавхарлари орасида туғри корреляцион боғлиқлик, оналар гавхари оптик кўрсаткичини "мўлжал" сифатида мақсадли рефракцияга эришишда фойдаланиш мумкинлиги аниқланди. Псевдофакик миопияли болаларда ва уларнинг оналари орасида гавхари нур синдириш корреляцион боғлиқлик йуклиги аниқланиб, бу эса SRKII ва ёшга боғлиқ гипокоррекцияси формуласининг псевдофакик миопияни ривожланиш хавфида бўлган болаларда ноадаптивлиги кўрсатилди.

3. Регрессион логистик модели ёрдамида 11 псевдофакик миопияни ривожланишини ишончли хавф омиллари аниқланди. Қўйидаги омиллар: кўз олмасининг ООЎнинг ИОЛ имплантацияси вақтида ёш меъеридан 0,2 мм дан юқори бўлиши; биринчи ҳомиладорликдан туғилган бола; $AL / CR \geq 3.0$ нисбатда; иккинчи кўз миопияси; 4 дптрдан ортиқ ғилайлик; ирсий оғирлаштирувчи ҳолат; ИОЛ имплантацияси вақтида КФКни зўриқиши $R \leq 180$ мм симоб устунида, беморнинг ота-онасини қариндошлик никоҳи; кальций даражасини $\leq 1,8$ ммол\л ни ташкил этиши каби маълумотлар бизлар томонимиздан биринчи марта баён этилди.

4. ИОЛ кучини ҳисоблашдаги SRKII формуласидаги R_m тўғриловчи коэффицентини қўллашда псевдофакик миопия хавфи бўлган болаларда ТК (туғма катаракта) ни экстракциясидан сўнг, 83,3% ҳолларда мақсадли рефракцияга эришишга (назорат гуруҳидаги 54,5% ҳолатга қарши) имкон

беради, кўриш функцияси $0,5 \pm 0,001$ га етди, назорат гуруҳидаги кўриш ўткирлиги эса $0,2 \pm 0,001$ га кўтарилди ($p \leq 0,05$).

5. Псевдофакик миопияли шу жумладан, ёшига мос келмайдиган эмметропия хавфида туғма катарактали болаларни бошқариш алгоритми ишлаб чиқилди, интраокуляр линзанинг оптик кучини танлашда дифференциал ёндашув, уларнинг визуал реабилитациясини ошиши ва юқори яқуний функционал натижалар қайд этилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSC.04/30.01.2020.Tib.105.01 ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ
СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОМ
МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ МИКРОХИРУРГИИ ГЛАЗА**

ТАШКЕНТСКИЙ ПЕДИАТРИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

НАРЗУЛЛАЕВА ДИЛДОРА УКТАМОВНА

**КЛИНИКО-ФУНКЦИОНАЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ КОРРЕКЦИИ
АМЕТРОПИЙ У ДЕТЕЙ С АФАКИЕЙ И АРТИФАКИЕЙ**

14.00.08 – Офтальмология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2019.2.PhD/Tib895.

Диссертация выполнена в Ташкентском педиатрическом медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-страницах Научного совета (www.eyecenter.uz), Информационно-образовательного портала «Ziyouet» (www.ziyouet.uz) и Национального информационного агентства Узбекистана (www.uza.uz).

Научный руководитель: Хамраева Лола Салимовна
кандидат медицинских наук, доцент

Официальные оппоненты: Касимова Мунирахон Садикжановна
доктор медицинских наук, профессор

Арестова Наталия Николаевна
доктор медицинских наук, доцент

Ведущая организация: Федеральное государственное автономное образовательное учреждение высшего образования «Российский национальный исследовательский медицинский университет имени Н. И. Пирогова» Министерства здравоохранения Российской Федерации

Защита диссертации состоится «28» сентября 2021 г. в 13⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре микрохирургии глаза (Адрес: 100173, г.Ташкент, Учтепинский район, улица Кичик халка йули, 14. Тел.: (+99871) 217-49-34; 217-45-63; 217-32-28; факс: (+99871) 217-49-37; e-mail: eyecenter@inbox.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра микрохирургии глаза (зарегистрирован за № _____). Адрес: 100173, г.Ташкент, Учтепинский район, улица Кичик халка йули, 14. Тел.: (+99871) 217-49-34; 217-45-63; 217-32-28.

Автореферат диссертации разослан «17» сентября 2021 года
(реестр протокола рассылки № 20 от «17» сентября 2021 года)



А.Ф. Юсупов

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук

Ш. А. Джамалова

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, доцент

М.Х. Каримова

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

М.Х. Каримова

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Врожденная катаракта (ВК) является наиболее частой причиной обратимой слепоты у детей. После экстракции ВК для каждого ребенка важным является ранняя, полная и постоянная коррекция афакии, которая «...обеспечивает адекватное ретинальное изображение на сетчатке при отсутствии нативного хрусталика глаза и тем самым позволяет достигнуть в перспективе высоких зрительных функций...»¹. При лечении катаракт особую роль играет выбор и расчет силы интраокулярной линзы (ИОЛ). Точное определение преломляющей силы ИОЛ является спорным вопросом, так как включает биометрические показатели глазного яблока, состояние рефракции. Расчет оптической силы искусственного хрусталика у детей представляет особые трудности, в виду того, что у маленьких пациентов с ростом глазного яблока меняется и рефракция, что необходимо «запрограммировать» в планируемую ИОЛ. С внедрением в детскую офтальмологию интраокулярной коррекции появляются вопросы, связанные с возникающими аметропиями, анизометропиями, расстройствами бинокулярного зрения, которые затрудняют процесс адаптации ребенка в социуме и тем самым медицинскую проблему переносят в плоскость социальных. С связи с этим, оптимизация лечения коррекции аметропий у детей с афакией и артификацией хирургическим путем является одной из актуальных проблем офтальмохирургии.

В мире уделяется особое внимание научным исследованиям, посвященным оптимизации клиничко-функциональных особенностей коррекции аметропий у детей с афакией и артификацией. Особое значение имеют научные исследования, направленные на усовершенствование хирургических методов лечения, разработку и создания комплекса оздоровительных мероприятий способствующих профилактике болезни, изучение клиничко-функциональных, эхобиометрических показателей глаз у детей до и после экстракции ВК с имплантацией ИОЛ и при афакии, определение корреляции между оптико - эхобиометрическими параметрами глазного яблока детей с целевой рефракцией, с псевдофакической миопией и их матерей, разработка и внедрение поправочного коэффициента формулу SRK II для достижения целевой рефракции у детей с ВК из группы риска аномального рефрактогенеза.

В нашей стране особое внимание уделяется повышению качества системы здравоохранения, включая диагностику, лечение и профилактику осложнений нарушения зрения, вызванных различными заболеваниями и хирургическими вмешательствами. В этой связи согласно Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан по пяти приоритетным направлениям развития на 2017–2021 годы, при поднятии уровня медицинских услуг на новый уровень решаются такие задачи, как «... повышение удобства и качества специализированных медицинских

¹ Катаргина Л.А. Детская офтальмология. Федеральные клинические рекомендации. Москва. SENTISS. 2016.

услуг, дальнейшее реформирование системы экстренной помощи, профилактика инвалидности ...»². Следовательно, ранняя диагностика развития клинко-функциональных свойств коррекции аметропий у детей с афакией и артифакией, а также повышение эффективности путем широкого применения хирургического вмешательства является одним из актуальных научных направлений.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, утвержденных Постановлениями Президента Республики Узбекистан ПП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан по пяти приоритетным направлениям», УП-5590 от 7 декабря 2018 года «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан», ПП-3071 от 20 июня 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики - VI. «Медицина и фармакология».

